

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Камашини шахри

№ 138156

2022 йил «25» август

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Камашини туман йулларда фойдаланиш унитар корхонаси номидан

Низом асосида иш қурувчи бошқарма бошлиғи Ш. Алмарданов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Йул таъмир сифат сервис» МЧЖ

Номидан Низом асосида иш қурувчи Ш. Норбеков иккинчи томондан 4P79 «Карши-Чим – Чирокчи – Шахрисабз» автомобиль йулидаги «Тунги ёритиш куча чироклари» ни жорий таъмирлаш ишлари объектини фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:

иҷро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик, даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

вакцинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини булиб чиқиш — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома 4P79 «Карши-Чим – Чирокчи – Шахрисабз» автомобиль йулидаги «Тунги ёритиш куча чироклари» ни жорий таъмирлаш ишлари лойиҳада қузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «23» августдаги 138156 -сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 161 000 000 сум (Бир юз олти миш бир миллион) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қулидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ, булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— 1 -иловага мувофиқ, қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарахтлар ва ер участкасини муҳрфаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклар урнатиш;

— курилиш таваккалчиликларини сурурта қилиш;

— мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

— курилиш майдони куриклянишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг Уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган

курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

— миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ, руйхатдан утказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан _____ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 30 фоиздан) булган ҳолда аванс утказди, бу 48 300 000 сумни ташкил этади!

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қилган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш ту-галлангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

— объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг камида 45 фоизи микдорида;

— мазкур шартномада белгиланган қафолатли муддат тамом булгандан кейин — ишлар қийматининг 5 фоизигача микдорида, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узиди сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга қирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида уз вақилини — техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан

фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

22. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида ҳаттолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан қурилишида қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини ҳисоботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилишган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинлиши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши Тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда баргараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртма томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускунала курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.
40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарлишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.
43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади;
45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида кабул қилиб олинади.
46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқдаши керак.
47. Кабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:
- барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
 - Узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;
 - объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.
50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
- Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.
51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурулишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ; бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ, бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг фойзи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фойзидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош қўрганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош қўрган сумманинг ___ фойзи миқдорда жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фойзи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0,2 фойзидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қамчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фойзи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фойзидан ошмаслиги қарак.

Пеня тулаш Пудратчинини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектурурилиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг ___ фойзи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ўшбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алохида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва отзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида унга тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булган 2 нусхада тузилди.

Шартнома муддати 31.12.2022 йил.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

«БУЮРТМАЧИ»

Қамаши ТЙФУК

Қамаши туман Ифтихор шох куча 415 уй

Банк: Марказий Банк Тошкент ХККМ

Молия вазирлиги Ғазначилиги

шғ/р: 4700 1086 0102 2070 4519 311 8001

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 23402000300100001010

Инн: 201122919. МҒО: 00014

Тошкент шаҳри Марказий банк.

Бошлик:

«ПУДРАТЧИ»

“YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS” МЧЖ

Банк: Хамкорбанк Қарши филиали

Х/р: 20208000705406326001

ИНН: 308601908 МҒО: 01177

ОКОНХ: 61110

Манзил: Қамаши туман

Окгузар МФЙ Окгузар юк


Бошлик:

Х У Қ У Қ И Й Х У Л О С А

Қамаши тумани йуллардан фойдаланиш унитар қорхонаси ва “Йул таъмир сифат сервис” МЧЖ ўртасидаги ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва Фуқаролик кодекси талаблари асосида тузилган. Тарафлар ўртасида тузилган ушбу шартнома амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига мос ҳолда тузилганлигини аниқладим.

Ҳуқуқшунос





«ТАСДИКЛАЙМАН»

Қамаши туман йуллардан фойдаланиш
унитар корхонаси директори

Ш. Алмарданов



25.08. 2022 йил

№ 01

Қамаши шахри

Қамаши туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси “4Р79 Қарши –Чим – Чирокчи – Шахрисабз” автомобиль йулидаги куча чирокларини жорий таъмирлаш ишларини танлов асосида шартнома тузиб бажарилган ишларни текширишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси :

Ш. Алмарданов

АЪЗОЛАРИ:

Х. Қобилов

Бош муҳандис

Х. Хасанов

И/ч бошлиғи

Б. Яллаев

Хисобчи

М. Бердиев

178- йул булими бошлиғи

Кун тартибда куриладиган масала:

Қамаши ТЙФУК “4Р79 Қарши –Чим – Чирокчи – Шахрисабз” автомобиль йулидаги “Тунги ёритиш кўча чироклари”ни жорий таъмирлаш ишлари учун 2022 йил август ойида ООО “Йул таъмир сифат сервис” билан шартнома тузиш ва шартномани тасдиқлаш туғрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, “4Р79 Қарши –Чим – Чирокчи – Шахрисабз” автомобиль йулидаги “Тунги ёритиш кўча чироклари”ни жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди.

Танлов конкурси бўйича 2022 йил 25 август кунда № 138156 сонли лот протоколи танловга қуйилгандан кейин 2 та ташкилот узини таклифлари билан қатнашди ва энг юқори балл “Йул таъмир сифат сервис” МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамага қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин “Йул таъмир сифат сервис” МЧЖ танлов ғолиби бўлди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯСИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:-

1. Танлов натижасига кўра “Йул таъмир сифат сервис” МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2. “Йул таъмир сифат сервис” МЧЖ корхонаси томонидан тавсия этилган “4Р79 Қарши –Чим – Чирокчи – Шахрисабз” автомобиль йулидаги “Тунги ёритиш кўча чироклари”ни жорий таъмирлаш ишларини бажариш ишларини назоратини бош муҳандис Х.Қобиловга топширилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилиши ва ижросини ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси :

Ш. Алмарданов

АЪЗОЛАРИ:

Х. Қобилов

Х. Хасанов

Б. Яллаев

М. Бердиев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 138156 на приобретение 4P79 "Карши - Чим - Чирокчи - Шахрисабз" автомобиль йулидаги 7 дона куча чирокларини жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 23.08.2022

Время рассмотрения 23.08.2022 11:15

Конкурсная комиссия Камаши туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ALMARDANOV SHERZOD XUDOYNOZOROVICH	Директор	Баллаш гурухи
Секретарь комиссии	MUSTAFAYEVA GULNOZA ABDUSALIMOVNA	Компьютерчи	Бахолаш гурухи
Член комиссии	BOBAQULOV JASUR BOTIROVICH	Бош мутахасис	Бахолаш гурухи
Член комиссии	QURBANOV ULUG'BEK SAFAROVICH	Хужалик мудири	Баллаш гурухи
Член комиссии	JALILOV TOIR SHOMURZAYEVICH	Йул устаси	Бахолаш гурухи
Член комиссии	CHORSHANBIYEV NURIDDIN IBRAGIMOVICH	Йул устаси	Бахолаш гурухи

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.08.2022 года № лота 138156.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 97.00 / Весовой коэф. ценовой части: 3.00)

Мин. балл: 45

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию и текущему ремонту уличного освещения
Подробное описание	4P79 "Карши - Чим - Чирокчи - Шахрисабз" автомобиль йулидаги куча чирокларини жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	161 138 100.00
Стартовая сумма	161 138 100.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Махсус техникалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган ташкилот узининг махсус техникаларига эга булишлари керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	20	ижара ширтномадаги техникаларимиз	20	Экспертная		
OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS	20	Махсуст техникаларимизга эгамиз	18	Экспертная		

Критерий №2 Солик карздорлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган ташкилот соликдан карздорлиги йуклиги хакида сиправка булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	20	Карздорилк мавжуд эмас	18	Экспертная		
OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS	20	Карздорилк мавжуд эмас	18	Экспертная		

Критерий №3 Бажарилган ишлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган ташкилот узининг бажарилган ишлардан намуналар такдим этишлари керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	20	Бажарилган ишлардан намуналар	17	Экспертная		
OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS	20	Бажарилган ишлардан намуналар	19	Экспертная		

Критерий №4 Иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган ташкилотнинг ишчи ходимлари 3 йиллик иш стажига эга булиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	20	ишчи ходимларимиз 3 йиллик иш стажига эга	15	Экспертная		
OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS	20	ишчи ходимларимиз куп йиллик иш стажига	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		эга				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	161 138 100,00	161 138 100,00 UZS	161 138 100,00	00,00	161 138 100,00	23.08.2022 12:21:03	03,00
OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS	161 138 100,00	161 000 000,00 UZS	161 000 000,00	00,00	161 000 000,00	23.08.2022 10:45:04	03,00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	84,875	3	87,875
OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS	90,9375	3	93,9375

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138156 от 23.08.2022 года на приобретение 4P79 "Карши - Чим - Чирокчи - Шахрисабз" автомобиль йулидаги 7 дона куча чирокларини жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

OOO YO'L TA'MIR SIFAT SERVIS
308601908

и резервный исполнитель: "SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi (302904486)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ALMARDANOV SHERZOD XUDOYNOZOROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBAQULOV JASUR BOTIROVICH	Согласен	
Член комиссии	QURBANOV ULUG'BEK SAFAROVICH	Согласен	
Член комиссии	JALILOV TOIR SHOMURZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	CHORSHANBIYEV NURIDDIN IBRAGIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП